



ANALYSIS OF THE CONCEPT OF CRIMINAL COURT PROCEEDINGS AND CORRUPTION RISKS IN JUDICIAL PROCEEDINGS

Khasan Khudoyberdiyev

Master's student

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

ABOUT ARTICLE

Key words: crime, stages, punishment, criminal case, corruption, corruption risk, liability, court, hearing, court session, process, parties.

Received: 14.02.25

Accepted: 16.02.25

Published: 18.02.25

Abstract: This article discusses issues related to the concept of judicial proceedings in criminal process and the concept of corruption risks in court proceedings. Additionally, the article analyzes scholars' views on the concept of judicial proceedings and corruption risks in court proceedings.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНинг СУД МУХОКАМАСИ ВА СУД МУХОКАМАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР ТУШУНЧАСИНинг ТАҲЛИЛИ

Ҳасан Худойбердиев

магистратура талабаси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: xasan.xudoyberdiyev2@icloud.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жиноят, босқичлар, жазо, жиноят иши, коррупция, коррупциявий хавф-хатар, жавобгарлик, суд, муҳокама, суд мажлиси, жараён, тарафлар.

Аннотация: Мазкур мақолада Жиноят процессида суд муҳокамасининг тушунчаси, суд муҳокамасида коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада суд муҳокамасининг тушунчаси, суд муҳокамасида коррупциявий хавф-хатарларнинг олимлар томонидан берилган фикирлар таҳлил этилган.

АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ И КОРРУПЦИОННЫХ РИСКОВ В СУДЕБНОМ РАЗБИРАТЕЛЬСТВЕ

Хасан Худойбердиев

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: xasan.xudoiberdiyev2@icloud.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: преступление, этапы, наказание, уголовное дело, коррупция, коррупционный риск, ответственность, суд, разбирательство, судебное заседание, процесс, стороны.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с понятием судебного разбирательства в уголовном процессе и понятием коррупционных рисков в судебном разбирательстве. Кроме того, в статье анализируются взгляды ученых на понятие судебного разбирательства и коррупционных рисков в судебном разбирательстве.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган ҳолда, коррупциядан ҳоли бўлган адолатли суд-хукуқ тизимини, фуқароларнинг хукуқларини ҳамда эркинликларини жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қиласидан механизм яратишни назарда тутмоқда. Ушбу йўлда ҳалқаро ва миллий қонунчиликда коррупциядан ҳоли бўлган адолатли суд муҳокамасига бўлган хукукни таъминлаш учун зарур бўлган чукур ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир жиноят иши доирасида инсон, давлат, ҳалқнинг тақдирини ётади. Бунда жиноят судлар томонидан жиноят ишларини кўриб чиқилишида, суд хукмларининг коррупциядан ҳоли ва адолатли чиқарилиши муҳимдир. Мамлакатимизда коррупциядан ҳоли ва адолатли суд муҳокамасини амалга оширилишида ҳам ишлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январда қабул қилинган 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” (1) да ҳам фуқароларнинг одил судловга бўлган хукукини таъминлашга қаратилган муҳим режалар белгиланган.

Жумладан мазкур Фармоннинг 84-мақсади айнан коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиядда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби вазифалар назарда тутилган.

Шунингдек мамлакатимиз Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 7 декабръда қабул қилинган мўлжалланган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда

суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”(2) ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинган. Ушбу фармон, умумий олганда, жиноят судларида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш, суд тизимининг шаффоғлигини оширишга қаратилган қатор аниқ чора-тадбирларни ўзида қамраб олган.

Адабиётлар таҳлили. Бизга маълумки жамият ва давлатнинг ҳимоя коррупцияга нисбатан муносабатини ушбу жамиятдаги демократия, инсонийлик ва қонунийлик даражалари белгилаб беради. Бундан ташқари давлатдаги жиноят процессининг суд мухокамасининг адолатли ва коррупциядан ҳоли бўлган қарорлар ва ҳукмларнинг қабул қилиншиши, ушбу давлатда қонунларнинг қай даражада ишлаётганлиги билан бир қаторда унинг ҳалқаро миқёсдаги обрусига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам жиноят процессида суд мухокамасининг адолатли ва коррупциядан ҳоли таризда кўриб чиқилиши алоҳида эътиборга олинган бўлиб ушбу ҳолат нафақат давлат сиёсати бир қисми сифатида балки давлат раҳбари томонидан эътибор қаратилган.

Жиноят процессининг энг мухим элементи бу - суд мухокамаси ҳисобланади. Айнан ушбу босқичда жиноят ишлари ўзининг якуний ечимига эришади. Бунда асосан суд томонидан ҳукм ёки қарорлар чиқарилиши орқали эришилади. Суд мухокамаси амалда суд мажлиси орқали юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, суд мухокамаси тўртта асосий қисмдан иборат:

- 1) - Суд мажлисининг тайёрлов қисми;
- 2) - Суд тергови;
- 3) - Тарафларнинг музокараси;
- 4) – Судланувчининг охирги сўзи;

Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар биргаликда яхлит суд жараёнини ташкил этади.

Биринчи босқич яъни суд мажлисининг тайёрлов қисмida асосан келиб тушган жиноят иши юзасидан иш материалларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарафларнинг иштирокини таъминлаш, гувоҳлар ва экспертларни чақириш, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари амалга оширилиб бу босқичда қуйидаги ҳолатлар мухим аҳамият касб этади:

- а) Ишни кўриш учун барча зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги
- б) Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш
- в) Раислик қилувчининг тарафлар билан мuloқоти

г) Дастрлабки эътиrozларни кўриб чиқиш

Иккинчи босқич суд тергови босқичида жиноят ишидаги мавжуд далилларни текшириш ва баҳолаш ишлари амалга оширилиб, далилларни тўплаш ва текширишнинг қонунийлиги, тарафларнинг тенг хуқуқлилиги принципига риоя килиниб гувоҳлар сўроқ қилиниши, экспертиза хulosаларини ўрганиши, ашёвий далилларни кўздан кечириш ишлари амалга оширилиши мумкин.

Учинчи босқич тарафларнинг музокараларидир. Бунда асосан давлат айловчиси яъни прокурорнинг нутқи, ҳимоячининг важлари, жабрланувчи томоннинг фикрлари эшитилади. Бу босқичда тарафларнинг тенг имкониятларга эга бўлиши инобатга олиниши, фикр билдириш эркинлигининг таъминланиши, музокараларнинг тўлиқлиги ва холислиги, далилларга хуқуқий баҳо берилишига эътибор қаратилиши лозим.

Тўртинчи босқичда судланувчига берилган сўнгги сўз хуқуқи бўлиб, - бунда асосан судланувчининг шахсий позицияси ва унинг қилмишга муносабати, оқловчи ҳолатларни келтириш, судланувчининг пушаймонлиги ва ва бошқа ҳолатларни кўриш мумкинdir.

Суд муҳокамаси жиноят процессида ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки айнан шу босқичда шахснинг айбли ёки айбсиз эканлиги аниқланади ва иш мазмунан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида эътироф этилганидек, “суд муҳокамаси – жиноят процессуал хуқуки бўйича суд жараёнининг бир босқичи ҳисобланади. Суд муҳокамасининг умумий тартиблари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 50-бобида баён этилган” (3).

Бундан ташқари ушбу соҳага доир тадқиқотчи олимлар томонидан илмий манбаларда кўплаб фикрлар берилган.

Жумладан, З.Ф.Иноғомжонова таъкидлаганидек, “Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий босқичи ҳисобланади. Бу босқичда жиноят процессининг асосоий вазифалари юзасидан бир тўхтамга келинади, яъни суд жиноят ишини мазмунан кўриб, ўз хукмида шахсни айбдор ёки айбдор эмаслиги, ушбу қилмиши учун жазолаш ёки жазоламаслик масаласини узил-кесил ҳал қиласди” (4).

Тадқиқотчининг фикрларига қўшилган ҳолда, бугунги кун нуқтаи назаридан қуйидаги жиҳатларни алоҳида таъкидлаш лозим: Суд муҳокамаси нафақат жиноят процессининг марказий босқичи, балки фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳамдир. Бу босқичда одил судловнинг барча тамойиллари - ошкоралик, тортишув, холислик ва бошқа принциплар тўлиқ амалга оширилади.

Л.А.Терехова фикрига кўра жиноят иши бўйича суд муҳокамаси жиноят процессининг ҳал қилувчи босқичи бўлиб, унинг натижасида айлов ёки оқлов ҳукми

чиқарилади ҳамда унда кўрсатувларнинг, иш бўйича далилларнинг нақадар тўғри тақдим этилиши судланувчи, жиноят содир этиш натижасида жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг келгусидаги тақдирига таъсир кўрсатади. (5)

Фикримизча, тадқиқотчининг суд мухокамаси ҳақидаги фикрлари асосли бўлса-да, бугунги кунда бу масалани янада кенгроқ доирада кўриб чиқиш зарур. Сабаби замонавий шароитда суд мухокамаси нафақат хукм чиқариш билан якунланадиган боскич, балки инсон тақдирига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий-хуқуқий механизмдир.

А.В.Смирновнинг фикрича, “Суд мухокамаси – суд мажлиси шаклида амалга ошириладиган жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал қилишдир. Ишни мазмунан кўриш – айбланувчининг жиноий жавобгарлиги ҳақидаги масалани ҳал қишишдир” (6).

Фикримизча, тадқиқотчининг суд мухокамаси тўғрисидаги фикри асосли бўлиб, бу фикрни қўшимча таризда қўйидагича тўлдиришимиз лозим. Суд мухокамаси нафақат шаклий жиҳатдан суд мажлиси кўринишида ўтказилиши, балки мазмун жиҳатидан ҳам бир қатор мухим жиҳатларни ўз ичига олади:

1. Жиноят иши доирасидаги далилларни тўлиқ, холис ва ҳар томонлама текшириш имконини беради,

2. Суд процессидаги тарафларнинг тенг хуқуқлилиги ва тортишувчанлик принципи асосида иш юритилишини таъминлайди,

3. Суд процессидаги айбланувчининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини амалда таъминлайди,

4. Жиноят иши бўйича ишнинг якунида ҳақиқатни аниқлаш ва адолатли қарор қабул қилиш имконини беради

Шу сабабли, А.В.Смирновнинг фикри нафақат назарий жиҳатдан тўғри, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Бу фикр суд мухокамасининг моҳиятини тўғри акс эттиради ва унинг замонавий тенденцияларга мослигини кўрсатади.

Бундан ташқари О.В.Лебедованинг фикрича “Суд мухокамаси – биринчи инстанция судлари мажлисида тарафлар иштирокида судланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал қилишга ва жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга қонунда кўзда тутилган жиноий жазо тайинлашга ёки айбсиз кишини оқлаб, шу орқали одил судловни амалга оширишга қаратилган жиноят процессининг боскиччи” (7), деб ҳисоблайди.

Фикримизча, О.В.Лебедованинг таърифи назарий ва амалий жиҳатдан тўлиқ асосланган бўлиб, у суд мухокамасининг барча мухим жиҳатларини қамраб олган. Бу таъриф магистрлик ишида суд мухокамасининг моҳиятини очиб беришда мухим назарий асос бўлиб хизмат қиласи.

Жиноят процессида суд мажлиси алоҳида аҳамиятга эга бўлган босқич ҳисобланиб, у қонун билан белгиланган қатъий тартибда ўтказилади. Бу босқичнинг асосий хусусиятлари куйидаги намоён бўлади: Суд мажлиси жараёнида ишга оид барча ҳолатлар чукур ўрганилади, ҳуқукий нормалар тўғри татбиқ этилади ва холис қарор қабул қилинади. Бундан ташқари, бу жараён барча тарафларнинг суд муҳокамасида тўлақонли иштирок этишини кафолатлайди. Суд мажлиси давомида жиноят-процессуал қонунчиликнинг барча тамойилларига қатъий риоя этилади ва иштирокчиларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади. Шунингдек, жиноят иши бўйича очиқлик ва жамоатчилик назорати таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, барча суд инстанцияларида процессуал талабларнинг бир хил тарзда қўлланилишига хизмат қиласди. Жиноят ҳуқуки назариясида ва амалиётида бу босқичга алоҳида эътибор қаратилишининг сабаби шундаки, айнан шу босқичда айбланувчи судланувчи мақомини олади. Бу эса унга кенг доирадаги процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини беради.

Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий институти сифатида бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Биринчи навбатда, у жиноят оқибатида заарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилишга қаратилган. Шу билан бирга, фуқароларни асоссиз айбловлардан ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради.

"**Коррупция**" сўзи лотинча "**corruption**" сўзидан олинган бўлиб, бузувчи, бузғунчи, пора берувчи деган маъноларни англатади. Қадим замонлардан бошлаб ҳукмдорлар коррупцияга қарши энг шавқатиз усуслар билан курашганлар. Жумладан Форс шоҳи Камбизнинг буйруғи билан пора олган судя терисидан тикилган креслога янги судя ўтирган ва у ҳам пора олган. Қадимги Римда еса, уни фош қилган Циероннинг қизғин нутқлари ҳам, бу жиноят учун жазо сифатида ўлим жазоси ҳам ёрдам бермаган."(8)

Фикримизча, коррупция яқин даврда пайдо бўлмаганлиги балки унинг қадим замонлардан мавжудлиги, уни дастлабки кўринишлари мансабдор шахслар томонидан содир этилганлиги билан изоҳланган. Бунга изоҳ ўрнида Форс шоҳи Камбизнинг пора олган судяга қаттиқ жазо тайинланганлиги билан яъни пора олган судя терисидан кресло тикилганлиги, уша даврларда ҳам суд муҳокамасини олиб бориш босқичларида ҳам коррупциявий хавф ҳатарлар мавжуд бўлган деб ҳисоблаймиз.

Жиноят ишини юритишда суд муҳокамасида коррупциявий хавф-ҳатарлар тушунчаси бу одил судлов жараёнида коррупциявий ҳаракатлар содир этилиши эҳтимолидир. Яъни жиноят иши судга келиб тушган вақтдан бошлаб, уни суд босқичларида кўрилишида судьялар, суд ходимлари ёки бошқа мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини шахсий манфаатлари йўлида суистеъмол қилиши ҳолатларининг юзага келиши эҳтимолидир. Бундай хавф-ҳатарлар суд қарорлари ва ҳукмларининг адолатли ва қонуний бўлишига

путур етказиши, давлатга бўлган жамоатчилик ишончини пасайтириши ва хуқуқ устуворлиги принциплари га зид келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **130-моддасида** “Ўзбекистон Республикасида одил судлов факат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади” (9) деб кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган конунчилик доирасида фикр қиладиган бўлсақ, жиноят ишлари суд томонидан қонуний тарзда ҳал этилади. Жиноят ишининг жиноий суд томонидан одил судловни амалга оширилиши, жиноят ишини доирасида суд ишида раислик қилувчи томонидан тегишли тартибда хулосага келиниб хукм ёки ажрилар чиқарилиши мумкин. Бундан кўринадики жиноят ишини жиноят судлари томонидан муҳокама қилинганда якуний ҳукмни суд чиқариши ва жиноят иши доирасида тақдирий ричаги раислик қилувчи суд ва унга нисбатан таъсир ўтказувчиларнинг хусусиятлари га боғлиқдир. Бундан кўринадики жиноят ишига раислик қилувчи суд томонидан ҳам коррупциявий хавф-ҳатарларнинг келиб чиқиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади.

М.Х.Рустамбаев фикрига кўра суд тизимидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар деганда, судьялар ва суд ходимларининг ўз мансаб ваколатларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш эҳтимоли тушунилади (10).

Юқоридаги олимларнинг фикрларини умумлаштириб, жиноий суд муҳокамасидағи коррупциявий хавф-ҳатарларга қўйидагича таъриф берамиз.

Жиноий суд муҳокамасидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар – бу суд ходимлари ва бошқа иштирокчиларнинг ўз манфаатлари йўлида жиноят-процессуал қонун нормаларини нотўғри қўллаши, далилларни нотўғри баҳолаши ва асоссиз қарорлар қабул қилиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигига путур етказадиган, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигига зарап етказиб, жамиятда судга бўлган ишончни йўқотадиган ҳолатлар мажмуидир.Хуқуқшунос олим И.А.Саттаров ўз асарларида суд муҳокамасидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар тушунчасига қўйидагича таъриф берган.Яъни, "Суд муҳокамасидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар - бу суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигига путур етказувчи, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келувчи ҳолатлардир"(11)деб таъкидлайди .

Фикримизча, олимнинг суд муҳокамасидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар ҳақидаги фикрлари хуқуқий жиҳатдан асосли ва амалий аҳамиятга эгалиги коррупциянинг икки мухим жиҳатини қамраб олади. Яъни суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигига

салбий таъсири ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларининг бузилиши билан. Суд мухокамасидаги коррупциявий хавф-ҳатарлар тўғрисидаги таърифи мазмун-моҳияти жиҳатидан тўғри бўлиб, бу ҳолат нафақат суд қарорларининг қонунийлигига пуртурсатади, балки бутун суд тизимининг обрўсига салбий таъсир кўрсатади ва жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келади.

З.Ф. Иноғомжонова эса "жиноят ишларини кўришда коррупциявий хавф-ҳатарлар - бу суд ходимларининг ўз манфаатлари йўлида қонунни нотўғри қўллаш, далилларни нотўғри баҳолаш ва асоссиз қарорлар қабул қилиш имкониятлари" деган фикрни илгари суради (12).

Фикримизча, тадқиқиотчининг жиноят ишларини кўришдаги коррупциявий хавф-ҳатарлар бўйича илгари сурган фикри мазмунан тўғри бўлиб, у суд тизимидағи коррупциянинг асосий кўринишларини, хусусан, суд ходимлари томонидан шахсий манфаатлар йўлида қонунни нотўғри қўллаш, далилларни нотўғри баҳолаш ва асоссиз қарорлар қабул қилиш каби ҳолатларни тўлиқ қамраб олган. Бу эса жиноят процессида қонунийлик ва адолат принципларининг бузилишига олиб келувчи омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашиб механизмларини такомиллаштиришда муҳим ахамият касб этади."

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **130-моддасида** "Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади" (13)деб кўрсатилган.

Юқорида кўрсатилган конунчилик доирасида фикр қиласиган бўлсак, жиноят ишлари суд томонидан қонуний тарзда ҳал этилади. Жиноят ишининг жиноий суд томонидан одил судловни амалга оширилиши, жиноят ишини доирасида суд ишида раислик қилувчи томонидан тегишли тартибда хulosага келиниб ҳукм ёки ажрилар чиқарилиши мумкин. Бундан кўринадики жиноят ишини жиноят судлари томонидан мухокама қилинганда якуний ҳукмни суд чиқариши ва жиноят иши доирасида тақдирий ричаги раислик қилувчи суд ва унга нисбатан таъсир ўтказувчиларнинг хусусиятларига боғлиқдир. Бундан кўринадики жиноят ишига раислик қилувчи суд томонидан ҳам коррупциявий хавф-ҳатарларининг келиб чиқиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади.

М.Х.Рустамбаев фикрига кўра суд тизимидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар деганда, судьялар ва суд ходимларининг ўз мансаб ваколатларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш эҳтимоли тушунилади (14).

Юқоридаги олим фикрига қўшилган ҳолда, суд тизимида коррупциявий хавф-ҳатарлар судьялар ва суд ходимларининг ўз мансаб ваколатларини шахсий манфаатлари

йўлида фойдаланиш эътимолиги борлиги ва ушбу ҳаракатлар суд томонидан ўз иш юритувида бўлган жиноят иши доирасида суд мухокамаси босқичларида амалга оширилишини инобатга олинишига эътибор қаратишимииз лозим.

Хуқуқшунос олим И.А.Саттаров ўз асарларида суд мухокамасидаги коррупциявий хавф-ҳатарлар тушунчасига қўйдагича таъриф берган. Яъни, "Суд мухокамасидаги коррупциявий хавф-ҳатарлар - бу суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигига путур етказувчи, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келувчи ҳолатлардир" (15) деб таъкидлайди .

Олимнинг суд мухокамасидаги коррупциявий хавф-ҳатарлар ҳақидаги фикрлари хуқуқий жиҳатдан асосли ва амалий аҳамиятга эгалиги коррупциянинг икки муҳим жиҳатини қамраб олади. Яъни суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигига салбий таъсири ва фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларининг бузилиши билан. Суд мухокамасидаги коррупциявий хавф-ҳатарлар тўғрисидаги таърифи мазмун-моҳияти жиҳатидан тўғри бўлиб, бу ҳолат нафақат суд қарорларининг қонунийлигига путур етказади, балки бутун суд тизимининг обрўсига салбий таъсир кўрсатади ва жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келади.

З.Ф. Иноғомжонова эса "жиноят ишларини кўришда коррупциявий хавф-ҳатарлар - бу суд ходимларининг ўз манфаатлари йўлида қонунни нотўғри қўллаш, далилларни нотўғри баҳолаш ва асоссиз қарорлар қабул қилиш имкониятлари" деган фикрни илгари сурди (16).

Тадқиқиотчининг жиноят ишларини кўришдаги коррупциявий хавф-ҳатарлар бўйича илгари сурган фикри мазмунан тўғри бўлиб, у суд тизимидағи коррупциянинг асосий кўринишларини, хусусан, суд ходимлари томонидан шахсий манфаатлар йўлида қонунни нотўғри қўллаш, далилларни нотўғри баҳолаш ва асоссиз қарорлар қабул қилиш каби ҳолатларни тўлиқ қамраб олган. Бу эса жиноят процессида қонунийлик ва адолат принципларининг бузилишига олиб келувчи омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади."

Хуносаси. Юқоридаги олимлар фикрини таҳлил қиласар эканмиз, жиноят суд мухокамасидаги коррупциявий хавф-ҳатарлар – бу суд ходимлари ва бошқа иштирокчиларнинг ўз манфаатлари йўлида жиноят-процессуал қонун нормаларини нотўғри қўллаши, далилларни нотўғри баҳолаши ва асоссиз қарорлар қабул қилиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигига путур етказадиган, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигига заарар етказиб, жамиятда судга бўлган ишончни йўқотадиган ҳолатлар йиғиндиси ҳисобласак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. <https://lex.uz/ru/docs/5146554>
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошк.; масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 420 остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2003.
4. Жиноят процесси. Махсус қисм. Муаллифлар жамоаси / проф. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 131
5. Терехова Л.А. Постановление суда первой инстанции, разрешающие дело по существу // Вестник Омского университета. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2005. – № 2(3). – С. 97.
6. Мирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. А.В. Смирнова. – СПб: Питер, 2004. – 492
7. Лебедова О.В. Шпаргалка по уголовно-процессуальному праву: учеб. пособие. – М.: ТК Велби, 2005. – С.25
8. Цирин А.М. Перспективные направления развития законодательства Российской Федерации о противодействии коррупции // Журнал российского права. – - №2. – С. 12-24.
9. <https://lex.uz/docs/6445145>
10. Рустамбаев М.Х. Коррупцияга қарши курашиб ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2022. – Б.
11. Саттаров И.А. Суд ҳокимияти: муаммо ва ечимлар. // Ҳуқуқ ва бурч. 2019. №4. - Б. 45-47
12. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида одил судловни таъминлаш масалалари. Монография. Т.: ТДЮУ, 2020. - Б. 156.
13. <https://lex.uz/docs/6445145>
14. Рустамбаев М.Х. Коррупцияга қарши курашиб ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2022. – Б.156
15. Саттаров И.А. Суд ҳокимияти: муаммо ва ечимлар. // Ҳуқуқ ва бурч. 2019. №4. - Б. 45-47
16. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида одил судловни таъминлаш масалалари. Монография. Т.: ТДЮУ, 2020. - Б. 156.